



## METHODOLOGY OF MANAGEMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES IN GENERAL SECONDARY EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL EDUCATION

**Pulatova Tozagul Xasanovna**

Master of Tashkent State Pedagogical University

uzedu.pulatova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6468428>

***Annotation.** Methods, efficiency, sequence of implementation, stages and results of scientific and technological development of innovative activities of the general secondary education system in the context of digital education highlighted. The organization of management of the innovative development of the education system in the context of digital education of the possibilities of this environment described in the methods for identifying and managing innovative directions in the development of the education system.*

***Key words:** Innovation management, digital educational environment, educational technologies, personnel policy.*

## РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ МЕТОДИКАСИ

***Аннотация.** Рақамли таълим шароитида умумий ўрта таълим тизимини инновацион фаолиятини усуллари, самарадорлиги, жорий этиши изчиллиги, илмий-техник ривожланиш босқичлари ва натижалари ёритилган. Рақамли таълим шароитида таълим тизимини инновацион ривожланиш менежментини ушбу муҳитнинг имкониятлари асосида ташкил этиши таълим тизимининг инновацион ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва бошқариш усуллари баён этилган.*



*Калит сўзлар: Инновацион бошқариш, рақамли таълим шароити, таълим технологиялари, кадрлар сиёсати.*

Ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси таълим тизими кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган индустриал-технологик локомотивлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқариш ва технологик тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Инновацион-жараён янги ишлаб чиқариш қурилмаларини, ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил этишнинг янги усулларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштириш ва жорий этишни уз ичига олади. Бундай инновациялар мавжуд ишлаб чиқариш ташкилоти маҳсулотини таълим тизими самарадорлигини оширишга қаратилган. Илмий асосланган инновация таснифи қуйидаги мантиқий тамойилларга асосланади: инновацияни қўллаш жойи; инновация мақсади; инновацияни жорий этиш шакли. Инновация кўринишига қараб қуйидагиларга бўлинади: [1]

- инновация масштаби (вазирлик, ҳудудий таълим бошқармалари, туман(шаҳар) бўлимлар ва қуйи бўғин ташкилотлари (мактаб) раҳбарлари);
- инновация натижалари (юқори, ўрта, қуйи);
- инновация самарадорлиги (иктисодий, ижтимоий, экологик, интеграллашган);
- жорий этиш изчиллиги (тез, секинлашган, ўсиб бориш, бир хил меъёрда, сакраш кўринишида);
- жорий этилиш соҳаси (бошқариш, ташкил этиш, ижтимоий, ишлаб чиқариш);
- илмий-техник ривожланиш босқичлари (илмий, техник, технологик, конструкторлик, ишлаб чиқариш, ахборот);



- изчиллик даражаси (бир хил меъёрда, кучсиз, оммавий инновация ва портлаш).

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Кенг тарқалган янглиш фикрлашларга қарамасдан инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади. Инновацияларнинг илмий кашфиётлар ва ихтиролардан фарқи [2].

Илм-фан – бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш.

Инновациялар – бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир.

Ихтиро – бу янги концепцияни яратиш демак.

“Инновация” категориясини турли хил талқин қилиниши сабаби инновацион ҳодисаларнинг кўп қиррали табиатидир. Кенг маънода “инновация” тушунчаси ишлаб чиқаришнинг технологик асосларини тубдан модернизациялашни натижасини акс эттиради ва янгилик бўлганлиги туфайли, биринчидан, маълум бир иқтисодий субъектнинг юқори даражадаги ноаниқлиги, иккинчидан, унинг ҳаётий цикли давомида узоқ муддатли самараси билан тавсифланади, яъни инновацион жараённинг узлуксизлиги билан. Бундан келиб чиқадики, инновация ўзига хослик ва доимийликни уйғунлаштиради. “Инновация” ва “инновацион жараён” таълим тизимини бошқаришда бир-бирига яқин, аммо бир хил эмас. Инновацион жараён - бу инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш каби кетма-кет босқичлар йиғиндиси, яъни такрор ишлаб чиқарувчи инновация тизимининг зарурий таркибий қисми. Замонавий рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқаришда инновациялар нафақат таълим сифат-самарадорлигини ўсиш, ривожланиш, таркибий силжишлар омилдир, балки улар барча соҳаларни, таълим тизими тармоқларини ва умуман ижтимоий ҳаётни қамраб олган. Йозеф Шумпетернинг инновацион назариясига кўра, рақамли таълим шароитида таълим тизимини инновацияни қўллаб янги усулларни ишлаб чиқиш, технологик тараққиёт ва ишлаб чиқариш усулларини



такомиллаштиришни ўз ичига олган таълим тизимини бошқаришда юқори самарадорликка эришиш йўлида турли муаммоларга сабаб бўлувчи функциясини ўзгартирувчи омил ҳисобланади [3]. Бундан ташқари, Й.Шумпетер рақамли таълим шароитида таълим тизимини ўзгаришларни ҳам функцияларининг ўзгариши омили сифатида қараган, яъни талаб томонидан таъсир кучи таклиф томонига ўтган.

Рақамли таълим шароитида таълим тизимини инновацион ривожланиш менежментини ушбу муҳитнинг имкониятлари асосида ташкил этиш лозим. Яъни ташкилотнинг инновацион ривожланиш йўналишларини ташқаридан аниқлаш ва бошқариш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу каби бошқарув таълим тизими ичидаги табиий ривожланиш жараёнларини ўрнини боса олмайди. Шунингдек, ривожланишнинг муқобил вариантларини амалга ошириш учун маълум даражада ҳаракатлар эркинлигини таъминлаш керак. Рақамли таълим шароитида таълим тизимида инновацияларни самарали бошқариш учун режалаштирилаётган ўзгаришларни ходимларнинг кутаётган натижалари билан таққослаш зарур, рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқаришнинг инновацион салоҳияти мавжудлиги, шунингдек, барча субъектларни бўлажак ўзгаришларга жалб қилинганлиги жуда муҳимдир [4]. Шундай қилиб, барча инновацияларга мос келадиган универсал бошқарув тамойиллари йўқ деган хулосага келишимиз мумкин. “Инновацион таълим технологиялари” ва “таълим инновациялари” тушунчаларининг мазмуни. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро) каби сўзлардан олинган.

Ҳар бир вазиятни кўрсаткичлари турли бўлади ва уларга натижа бевосита боғлиқ ҳисобланади, бу нафақат ташқи муҳитнинг таъсири, балки



инновацияларнинг ўзи, инновациялар ҳақида маълумот тўплаш, уларни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш каби инновацион жараён босқичларига ҳам аҳамиятлидир. Бир хил тамойиллар турли босқичларда инновацион жараёнга ҳам ҳисса қўшиши, ҳам тўсқинлик қилиши мумкин. Ушбу белгилар бўйича рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқариш усуллари ривожланишида мазкур сифат қадам қанчалик зарурлигини аниқлаш мумкин.

Илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англандики, муаллифнинг қарашлари бевосита рақамли таълим шароитида таълим тизимида ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади. Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида рақамли таълим шароитида таълим тизимини инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион активликни (фаолликни) муракаблаштирувчи факторлар таркибига иқтисодий - таваккалчилик, юқори даражадаги сарф харажат, кам миқдорда молиялаштириш, инновациянинг узок муддат ўз-ўзини қоплаши; таълим муассасалари ичидаги паст



даражадаги инновацион салоҳият, юқори малакали ходимларни таълим тизимига жалб қилиш мавжудларининг тажрибаларидан фойдаланиш каби амалларни бажаришга қаратилиши керак [5].

Инновацион технологиялар педагогик жараён, ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ижодий фаолиятига янгилик, ўзгартишлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол усуллардан фойдаланилади, чунки таълимда бошқарув ролини ўқитувчи бажаради. Интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади: индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа билан ишлаш[6]. Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришиш мумкин. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этади. Шунингдек, ўқувчиларни муайян билимлар соҳасини эгаллашга йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини холис баҳолаш имконини беради. Шу боис рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқаришда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш жараёнида қўллаш натижасида: [6].

- ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир ўқувчиларнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;



-ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;

-ўқувчиларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;

-ўқувчиларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни ўйғотади;

-ўқувчиларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;

-ўқувчиларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқариш бугунги кунда ўқувчилар, ўқитувчилар ва таълим тизимини бошқарувчи менежерлар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган шароитларда ўз ўринларини сақлаб қолишларига ёрдам беради. Рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқариш инновацион таълим технологияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишиб бориш, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлиши, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларида хабарор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Рақамли таълим шароитида таълим тизимини бошқаришнинг инновацион шакл, метод ва воситалари, педагогик компетентлик сифатлари ҳамда таълим жараёнини ташкил этишга креатив ёндашишга доир билимларини такомиллаштириш томонидан инновацион ёндашув, педагогик компетентлик сифатлари ва



креатив қобилиятнинг самарали ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитни яратишдан иборат бўлади.

*Адабиётлар*

1. Муслимов Н, Усмонбоева М, Сайфуров Д, Тўраев А - Инновацион таълим технологиялари – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмухамедов Р, Абдуқародиров А, Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Йўлдошев Ж, Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. – Т.: “Молия-иктисод” нашриёти, 2009.
5. Зеер Э, Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург: ЕГПИ, 1999. – 244 с.
6. Красильникова В. Концепция компьютерной технологии обучения. – Оренбург: Огу, 2008. – 42 с.
7. Красильникова В. Теория и технологии компьютерного обучения и тестирования / монография. – М.: Дом педагогики, ИПК ГОУ ОГУ, 2009. – 339 с.
8. Колесникова И, Педагогическое проектирование. – М.: Академия, 2005. – 288 с.
9. Прокопишина Н. Технология сотрудничества как педагогическая стратегия активного обучения / Метод. пособие. – Новочеркасск: новочеркасский гпи, 2005. – 32 с.
10. Тожиев М, Зиёмухаммадов Б. Внедрение национальных педагогических технологий в учебно-воспитательный процесс и ее роль в





развитии интеллектуального потенциала молодежи / Монография. –Т.: “Mumtoz so’z”, 2010. – 271 б.

11. Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.

12. Файзуллаева Д, Ғаниева М. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами / Мет.қўлл. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013. – 137 б.